

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧОРШАНБИЕВ ШУХРАТ МАХМАТМУРОДОВИЧ**

**ЭЛЕКТРШЛАК УСУЛИДА 45 МАРКАЛИ ПЎЛАТДАН ОЛИНАЁТГАН  
ДЕТАЛЛАРНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИОН ХОССАЛАРИНИ ОШИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга  
термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар  
металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси.**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Чоршанбиев Шухрат Махматмуродович**

Электршлак усулида 45 маркали пўлатдан олинаётган деталларнинг  
эксплуатацион хоссаларини ошириш технологиясини ишлаб  
чиқиш.....

**Чоршанбиев Шухрат Махматмуродович**

Разработка технологии повышения эксплуатационных свойств деталей из сталь-  
45, получаемых электрошлаковым переплавом.....

**Chorshanbiev Shukhrat Maxmatmurodovich**

Increasing operational properties and designing technology of details which are taken  
from the steel marked steel-45 by the method of electrical slag.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧОРШАНБИЕВ ШУХРАТ МАХМАТМУРОДОВИЧ**

**ЭЛЕКТРИШЛАК УСУЛИДА 45 МАРКАЛИ ПЎЛАТДАН ОЛИНАЁТГАН  
ДЕТАЛЛАРНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИОН ХОССАЛАРИНИ ОШИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга  
термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар  
металлургияси.**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т.594 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тураходжаев Нодир Джахонгирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Фатхулла Сағдуллаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Атажанов Гапур Латибович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Т.03.04. рақамли илмий кенгашнинг “\_\_\_\_\_” 2020 йил «\_\_\_\_\_» соат дақиқаларидаги Илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел. / факс: (99871) 227-10-32, e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел. / факс): (99871) 227-10-32)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ дақиқаларидаги \_\_\_\_\_ рақамли реестер баённомаси).

**К.А. Каримов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.Р.Норхуджав**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.,  
профессор

**Ф.С. Абдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қора ва рангли металл қотишмаларидан сифатли қўйма маҳсулотларини ишлаб чиқиш, сифатли ва мустаҳкам маҳсулотлар ишлаб чиқишда жаҳон талабларига мос, рақобатбардош ва импорт ўрнини босадиган технологиялар яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, жаҳон андозаларига мос келадиган, машинасозлик ишлаб чиқариш корхоналарига юқори сифатли, ейилишга бардошли, мустаҳкамлиги юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ушбу соҳа мутахассислари ва олимлари олдига муҳим вазифани қўймоқда. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Англия, Германия, Япония, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида пўлатнинг турли маркаларидан қўйма маҳсулотлар ишлаб чиқишда уларнинг эксплуатацион хоссаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда пўлатларни суюқлантиришда ресурстежамкор технологияларни такомиллаштириш, 45 маркали пўлатларни электр печларида суюқлантириш технологиясини ишлаб чиқишга оид кенг қўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. МДХ давлатларида, жумладан Россия ва Украинада ресурс-ва энергия сарфини камайтириш пўлатни суюқлантиришнинг янги технологиялари ишлаб чиқилмоқда. Ушбу йўналишда, машинасозлик соҳасида кенг қўлланиладиган пўлат 45 маркали пўлатлардан тайёрланадиган деталларнинг ейилишбардошлигини таъминлайдиган технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда электр ёй печлари ёрдамида пўлатларни суюқлантириш даврида сифатли структура ҳосил қилиш асосида қўйма маҳсулотларининг эксплуатацион хоссаларини ошириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари суюқлантириш самарадорлигини ошириш учун кенг қамровли тадқиқотлар, буни амалга ошириш учун технологияларни такомиллаштириш устида изланишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, саноатда кенг қўлланиладиган пўлатларни суюқлантиришда ресурс ва энергия тежамкорлигини таъминлайдиган технологияларни такомиллаштириш илмий-тадқиқотларининг устуворлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жумладан <sup>1</sup>«... макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ре -

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

сурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 26 декабрдаги “2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора– тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2698-сон Қарори, 2017 йил 7 июлдаги „Қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-техник базани ривожлантириш ҳақида“ги ПҚ-3117-сон Қарори, 2018 йил 27 апрелдаги „Инновацион ғоялар, технология ва лойиҳаларни жорий қилиш тизимининг янада такомиллаши чора-тадбирлари тўғрисида“ги, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё олимлари томонидан қотишмани қиздириш ва совитиш, ички тузилишини, химиявий, физикавий ва механик хоссаларига ўзгартириш киритиш, қиздириш ҳамда совутиш йўли билан пўлатнинг структурасини ўзгартириш мумкинлиги ҳақида кенг қамровли йўналишда тадқиқотлар олиб борилган ва натижаларга эришилган.

Жаҳоннинг етакчи ва кўплаб илмий марказлари, олий таълим муассасаларида кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган, жумладан пўлат олишда унинг мустаҳкамлиги ва ейилишбардошлигини оширишнинг янги усуллари кашф этилган. Англия тадқиқотчилари Г.Бессемер ва С.Томас, Франция тадқиқотчиси П.Мартен каби олимлар пўлат олишда печларнинг янги конструкциялари ва усулларини ишлаб чиқишган. Россия олими Чернов ўзининг тадқиқотлари натижасида пўлатларнинг мустаҳкамлигини уларнинг структурасига боғлиқлик даражасини ишлаб чиқган. У пўлатдаги ички структура ўзгаришларини иссиқлик алмашинуви ва термик ишлаш жараёнлари билан боғлиқлик графикларини ишлаб чиқган. Германия олими А.Ледебурнинг металллар структурасидаги ўзгариротга боғлиқлик даражасини, Англия олимлари Ф.Лавес ва В.Юм-Розерларнинг янги типдаги фазаларни кашф этишлари катта аҳамият касб этган. Пўлатларни пайвандлашдаги ва термик ишлов беришдаги структуравий ўзгаришларни Н.Н.Бенардос ва Н.Г.Славянов, Р. Мел, Э. Бейн, Г. Ганнеман, Ф. Вефер ва Г. Эссер ишлаб чиқишган.

МДХ олимларидан А.А. Бочвар, Н.А. Минкевич, С.С, Штейнберг, Н.Я. Селяков, Н.Т. Гудцов, Г.В.Курдюмов, А.П.Гуляев, А.М.Бутлеров, С.В.Лебедев, П.А. Ребиндер, С.П.Королёв ва А.Т.Тумановлар пўлатларнинг ейилишбардошлигини ошириш учун деталларга термик ишлов технология ва режимларини ишлаб чиқишган. Ўзбек олимларидан профессор А.А.Мухаммедов, профессор Н.Д.Тураходжаев, профессор Ф.Р.Норхўжаев, доцент Ш.А.Каримов, доцент Д.М.Бердиевлар қотишмаларга термик ишлов бериш асосида уларнинг мустаҳкамлиги ва ейилишбардошлигини ошириш учун термик ва термоциклик режимларини ишлаб чиқишган. Улар турли ҳароратларда термик ишлов бериш учун ишлов бериш муҳитининг механик хоссаларга боғлиқлик даражасини аниқлашган ва ўрта ҳароратда термоциклик ишлов бериш, ҳамда суюқ металл муҳитидаги юқори ҳароратларда ишлов бериш теологиясини ишлаб чиқишган.

Пўлатларнинг мустаҳкамлиги ва ейилишбардошлигини оширишга оид олиб борилган кўплаб илмий-тадқиқотларга қарамай бу йўналишда хали ечими топилмаган муаммолар кўп. Жумладан, турли печларда суюқлантириладиган пўлатлардан олинган деталларнинг ейилишбардошлигини оширишда печнинг ўзида суюқлантириш жараёнида замин яратиш устида тадқиқотлар олиб борилмаган. Пўлат 45 маркали қотишмадан олинган деталларнинг эксплуатацион хоссаларини ошириш учун ресурстежамкор ҳисобланган электршлак печларида суюқлантиришнинг самарадор технологиялари ишлаб чиқилмаган. Электршлак печидан олинган пўлат қотишмаларининг ўзига хос хусусиятлари асосида деталларга термик ишлов бериш технологиялари ишлаб чиқилмаган. Электршлак печида суюқлантириладиган пўлат 45 маркали қотишмадан машинасозлик деталларини олишда уларнинг мустаҳкамлиги ва ейилишбардошлигини ошириш устида назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетида илмий тадқиқот ишлари режасига биноан “Олмалиқ КМК” АЖ билан 2019 йил 19 июль куни тузилган № 63-2897 ЮР-сон «Разработка технологии изготовления зубьев вал-шестерни с повышенными эксплуатационными свойствами» (2018-2019 йй.) мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** электршлак усулида 45 маркали пўлатлардан олинаётган деталларнинг эксплуатацион хоссаларини ошириш теологиясини ишлаб чиқаришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

электршлак печида 45 маркали пўлатларидан вал-шестерня деталени олиш учун суюқлантиришнинг самарадор технологиясини ишлаб чиқиш;

электршлак усулида 45 маркали пўлатлардан олинаётган вал-шестерня тишларининг мустаҳкамлигини ошириш;

45 маркали пўлатлардан вал-шестерня олишда ресурстежамкорлигини таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш;

электршлак печларида 45 маркали пўлатларни суюқлантириш учун иссиқлик режимининг энергиятежамкор усулини ишлаб чиқиш;

электршлак печида 45 маркали пўлатларни суюқлантиришда маҳсулотнинг ейилишбардошлигини таъминлайдиган модификатор таркибини ишлаб чиқиш;

электршлак печида 45 маркали пўлатларни суюқлантиришда маҳсулотнинг ейилишбардошлигини таъминлайдиган модификаторни қотишма таркибига киритиш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида электршлак усулида олинган 45 маркали пўлатдан тайёрланган қўйма деталлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида 45 маркали пўлатларни электршлак усулида вал-шестерня деталени қўйиш, унинг тишларини тайёрлаш ва тишларга термик ишлов бериш технологиялари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қотишмаларнинг химиявий таркиби, қаттиқлигини, механик хоссаларини ва структурасини ўрганишда Empyrean Malvern Panalytical диффрактометр, Zeiss EVO MA 10 (Carl Zeiss) сканерлаш электрон микроскопи, “P-50 M” рақамли автотехника машинаси, “Dura Vision 20” рақамли қурилма, 6P-83 рақамли фрезали вертикал станоклари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

сув муҳитида вал-шестерняга термик ишлов бериш режимлари вал материалининг теплофизик хоссалари асосида ишлаб чиқилган;

вал-шестерня тишларини тайёрлаш технологияси кесиш жараёнида ҳосил бўладиган зўриқиш кучларини бартараф этиш назарияси асосида ишлаб чиқилган;

сув-мой муҳитида вал-шестерняни навбатма-навбат тоблаш технологияси металлларга термик ишлов бериш режимлари асосида ишлаб чиқилган;

электршлак усулида 45 маркали пўлатдан қўйма усулида олинган вал-шестерня тишларининг ишлаш шароитидаги хизмат муддатини ошириш технологияси абразив ейилиш муҳитининг таъсир қилиш ҳароратининг таҳлили асосида ишлаб чиқилган;

маҳсулотнинг ишлаш ресурсини ошириш учун термик ишлов бериш усулига боғлиқлик графиги материалнинг иссиқлик физикаси хоссаларига асосан ишлаб чиқилган;



электршлак усулида 45 маркали пўлатдан қуйма усулида олинган вал-шестерня тишларига термик ишлов бериш асосида қаттиқлик ҳолати графиги ишлаб чиқилган;

45 маркали пўлатдан тайёрланган вал-шестерняларни ишлаб чиқаришда қуйи ҳароратда бўшатиш усулини қўллаш асосида энергия тежамкорлигини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

электршлак усулида 45 маркали пўлатдан олинаётган деталларнинг эксплуатацион хоссаларини оширилиши натижасида улар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини камайтириш имкони яратилди;

машинасозлик деталларини ишлаб чиқаришда ресурстежамкор технологиясини қўллаш имкони яратилди;

машинасозлик деталларини ишлаб чиқаришда энергиятежамкор технологиясини қўллаш имкони яратилди;

электршлак усулида 45 маркали пўлатдан қуйма усулида олинган вал-шестерня тишларининг юза мустаҳкамлигини ошириш технологияси жорий қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аниқ қўйилган вазифа асосида олинганлиги, тадқиқотларда замонавий ва юқори аниқликга эга бўлган жихозлардан фойдаланилганлиги, электршлак усулида 45 маркали пўлатдан олинаётган деталларнинг эксплуатацион хоссаларини оширишда экспериментал тадқиқотларнинг кўплиги ва олинган натижаларининг математик моделлаштириш асосида қайта ишлов берилганлиги, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида аниқланган физик-механик ва эксплуатацион хоссаларининг кўрсаткичлари, лаборатория шароитида олинган натижаларининг ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган тадқиқотларда тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электршлак усулида 45 маркали пўлатдан қуйма усулида олинган вал-шестерня тишларини термик ишлов бериш асосида деталларнинг механик хоссаларини оширишнинг термоциклик ва юқори ҳароратли ишлов бериш усуллари аниқланганлиги билан изоҳланади:

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электршлак усулида 45 маркали пўлатдан олинаётган вал-шестерня деталларининг ейилишбардошлигини таъминлайдиган технологиянинг қўлланилишида деталнинг хизмат муддати 14-16 % га ортиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Электршлак усулида 45 маркали пўлатдан олинаётган деталларнинг эксплуатацион хоссаларини

ошириш технологиясини ишлаб чиқиш учун олиб борилган тадқиқотлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сув муҳитида вал-шестерняга термик ишлов бериш режимлари “Олмалик ТМК” АЖ қошидаги “Марказий таъмирлаш механика заводида”га жорий қилинган (“Олмалик ТМК” АЖнинг 2020 йил 05 июндаги 63-208 - сон маълумотномаси). Натижада вал-шестернянинг ейилишбардошлиги 8-10%га оширишга эришилган.

Вал-шестерня тишларини тайёрлаш технологияси “Олмалик ТМК” АЖ қошидаги “Марказий таъмирлаш механика заводида”га жорий қилинган (“Олмалик ТМК” АЖнинг 2020 йил 05 июндаги 63-208 - сон маълумотномаси). Натижада маҳсулотнинг эксплуатацион хоссаларини 18-20%га оширишга эришилган.

Сув-мой муҳитида вал-шестерняни навбатма-навбат тоблаш технологияси “Олмалик ТМК” АЖ қошидаги “Марказий таъмирлаш механика заводида”га жорий қилинган (“Олмалик ТМК” АЖнинг 2020 йил 05 июндаги 63-208 - сон маълумотномаси). Натижада вал-шестернянинг қаттиқлигини 1,3-1,4 мартага оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 4 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон

қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Диссертация мавзусининг долзарблиги. Мавзу бўйича дунёда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлар таҳлили**” деб номланган биринчи бобда пўлат 45 маркали қотишмаларни электршлак ва бошқа печларда суюқлантириш бўйича адабиётлар шарҳи, техник ишланмалар келтирилиб, аналитик тадқиқотлар умумлаштирилган.

Жаҳонда қора ва рангли металл қотишмаларидан сифатли куйма маҳсулотларини ишлаб чиқиш, сифатли ва мустаҳкам маҳсулотлар ишлаб чиқишда жаҳон талабларига мос, рақобатбардош ва импорт ўрнини босадиган технологиялар яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, жаҳон андозаларига мос келадиган, машинасозлик ишлаб чиқариш корхоналарига юқори сифатли, ейилишга бардошли, мустаҳкамлиги юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ушбу соҳа мутахассислари ва олимлари олдига муҳим вазифани қўймоқда. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Англия, Германия, Россия, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида пўлатнинг турли маркаларидан куйма маҳсулотлар ишлаб чиқишда уларнинг эксплуатацион хоссаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё олимлари томонидан қотишмани қиздириш ва совитиш, ички тузилишини, химиявий, физикавий ва механик хоссаларига ўзгартириш киритиш, қиздириш ҳамда совутиш йўли билан пўлатнинг структурасини ўзгартириш мумкинлиги ҳақида кенг қамровли йўналишда тадқиқотлар олиб борилган ва натижаларга эришилган. Жаҳоннинг етакчи ва кўплаб илмий марказлари, олий таълим муассасаларида кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган, жумладан пўлат олишда унинг мустаҳкамлиги ва ейилишбардошлигини оширишнинг янги усуллари кашф этилган. Англия тадқиқотчилари Г.Бессемер ва С.Томас, Франция тадқиқотчиси П.Мартен каби олимлар пўлат олишда печларнинг янги конструкциялари ва усуллари ишлаб чиқишган. Россия олими Чернов ўзининг тадқиқотлари натижасида пўлатларнинг мустаҳкамлигини уларнинг структурасига боғлиқлик даражасини ишлаб чиқган. У пўлатдаги ички структура ўзгаришларини иссиқлик алмашинуви ва термик ишлаш жараёнлари билан боғлиқлик графикларини ишлаб чиқган. Германия олими А.Ледебурнинг металллар структурасидаги ўзгариротга боғлиқлик даражасини, Англия олимлари Ф.Лавес ва В.Юм-Розерларнинг янги типдаги фазаларни кашф этишлари катта аҳамият касб этган. Пўлатларни пайвандлашдаги ва термик ишлов беришдаги структуравий ўзгаришларни Н.Н.Бенардос ва Н.Г.Славянов, Р. Мел, Э. Бейн, Г. Ганнеман, Ф. Вефер ва Г. Эссер ишлаб чиқишган.

МДХ олимларидан А.А. Бочвар, Н.А. Минкевич, С.С, Штейнберг, Н.Я. Селяков, Н.Т. Гудцов, Г.В.Курдюмов, А.П.Гуляев, А.М.Бутлеров, С.В.Лебедев, П.А. Ребиндер, С.П.Королёв ва А.Т.Тумановлар пўлатларнинг ейилишбардошлигини ошириш учун деталларга термик ишлов технология ва режимларини ишлаб чиқишган. Ўзбек олимларидан профессор А.А.Мухаммедов, профессор Н.Д.Тураходжаев, профессор Ф.Р.Норхўжаев, профессор Ш.А.Каримов, т.ф.д. Д.М.Бердиевлар қотишмаларга термик ишлов бериш асосида уларнинг мустаҳкамлиги ва ейилишбардошлигини ошириш учун термик ва термоциклик режимларини ишлаб чиқишган. Улар турли ҳароратларда термик ишлов бериш учун ишлов бериш муҳитининг механик хоссаларга боғлиқлик даражасини аниқлашган ва ўрта ҳароратда термоциклик ишлов бериш, ҳамда суюқ металл муҳитидаги юқори ҳароратларда ишлов бериш теологиясини ишлаб чиқишган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектини танлаш ва тадқиқот усуллари ишлаб чиқиш”** деб номланган иккинчи бобида электршлак усулида олинган пўлат 45 маркали қотишмадан олинган деталларнинг структурасини, механик хоссасини аниқлаш усуллари келтирилган.

Олинган қотишма миқдорий кўрсаткичларини ўрганаётганда аналитик усуллар оксид ва газ қўшимчаларининг миқдорий кўрсаткичларини экстракция усули билан аниқланди. Қотишмани таҳлил қилиш UV-VIS-NIR маркасининг оптик спектроскопияси ёрдамида амалга оширилди; олинган қотишма кўрсаткичлари экстракция йўли билан оксид ва газ қўшимчаларининг миқдорий кўрсаткичларини аниқлашнинг аналитик усулларидан фойдаланилган; қотишма SEM-EDX маркали сканерлаш электрон микроскопи ёрдамида нурларнинг ўтиши асосида ўрганилди; қотишманинг механик хоссалари Empyrean Malvern Panalytical диффрактометр ёрдамида ўрганилди; деталнинг газ ғоваклилигини аниқлаш учун ғоваклилик шкаласидан фойдаланилди ва кимёвий сканерлаш электрон микроскопи (Carl Zeiss EVO-MA-10) ёрдамида лаборатория синовлари ўтказилди.

EVO-MA-10 Электрон микроскопларини сканерлашнинг ишлаш принципи электрон нурларининг объект юзаси билан ўзаро таъсирга асосланган. Электрон нурлари микроскоп ёрдамида тасвир ҳосил бўлган объект сиртининг ушбу қисмини доимий равишда кўздан кечиради. Бундай ҳолда, объект сиртининг ҳар бир нуқтаси, микроскопларнинг кўриш доираси чегараларида, ҳосил бўлган тасвирнинг тегишли нуқтаси билан кўрсатилади. Электрон нур бир нарсанинг юзаси билан ўзаро таъсирлашганда, бир вақтнинг ўзида бир нечта жавоб сигналлари пайдо бўлади. Қайси сигнал детектори ёқилганига қараб, микроскоплар маълум бир тасвирни ҳосил қилади. Микроскоплар горизонтал текисликдаги геометрик масофаларнинг проекциясининг

узунлигини ўлчайди, яъни объектнинг текис ва горизонтал йўналтирилган юзасида мос келадиган нуқталар орасидаги масофа аниқланади.

Эритмадаги водород миқдори вакуум экстракцияси усули билан аниқланди. Ушбу усул таҳлил қилинган намунадан юқори вакуум шароитида газларни тўлиқ ажратишга ва экстракция тугагандан сўнг чиқадиган газ миқдорини аниқлашга асосланган. Эритилган газни металлдан ажратиш учун ҳарорат ва босим туфайли газ-металл тизимининг термодинамик мувозанати газ фазасига қараб силжийди. Қаттиқлаштирилган намунадан диаметри 8 мм ва узунлиги 20 мм бўлган намуналар кесилади. Тайёр намуналар аналитик ва электрон тарозида тўртинчи ўнли каср аниқлиги билан тортилади ва этил спиртида ювилади.

Газнинг ғоваклилигини аниқлаш учун олинган қумадан кесилган намуналар 1,6 мкм дан ошмаган Ра ғадир будирликдаги намуналардан фойдаланилади. Намунанинг газ ғоваклилигини аниқлаш учун сув билан ювилди ва филтр қоғози билан қуритилди. Газнинг ғоваклилигини аниқлаш учун ғоваклилик шкаласи ишлатилган. Макросекцияларнинг ғоваклилик даражаси баллар мезонлари билан таққосланди. Намуналарнинг газ ғоваклилиги ҳар бири 1 см<sup>2</sup> бўлган учта квадрат бўйича аниқланди.

Олинган эритмадаги алюминий оксиди миқдори фотометрик усулда аниқланди. Бунинг учун оғирлиги 1,00 грамм бўлган плиталар шаклидаги намуналар оксид плёнкасидан тозаланди ва этил спирти қатлами остида сақланди. Ўлчашдан олдин намунани филтр қоғози билан қуритиб, ҳажми 100 см<sup>3</sup> бўлган идишга солиб, ичига 1 грамм намуна учун 70 см<sup>3</sup> миқдорида реакция аралашмаси қуйилади. Эритманинг оптик бўшлиғи 535 мм тўлқин узунлигида ПФМ алангаси фотометрик фотометр ёрдамида қатлам қалинлиги 45-50 мм бўлган кюветада ўлчанди. Йўналтирувчи эритма сифатида алюминий бўлмаган барча реактивларни ўз ичига олган сув олинди.

Диссертациянинг **“Электршлак печида пўлат 45 ни суюқлантиш технологиясини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида электршлак печида пўлат 45 маркали қотишмани суюқлантиришда металл сифатини таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Тадқиқот ўтказишда электршлак усулида пўлат 45 дан олинаётган валларнинг турли диаметрлари танлаб олинди. “олмалиқ КМК” АЖ нинг марказий таъмирлаш механика заводида қўлланилаётган электрод-алюминий қўшма суюқлантириш технологияси таҳлил қилинди. Технологияни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги нисбатдаги пўлат-алюминий тизимидан фойдаланилди:

Диаметри 100, 200, 300 ва 400 мм бўлган кристаллизаторларда пўлат 45 электроди таркибига 4, 8, 12 ва 16 % миқдорда алюминий қўшилди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра диаметри 100, 200 ва 300 мм бўлган кристаллизаторларда алюминий миқдорининг боғлиқлиги сезиларли бўлиб, диаметри 400 мм бўлган кристаллизаторда алюминий миқдори кескин таъсир қилди. Яъни диаметр ошган сари пўлат 45 электродига қўшилган алюминийнинг қуйма таркибидаги кислород миқдорига таъсири ошди. Демак диаметр ошган сари қуйманинг таркибидаги газ миқдорининг кнцентрацияси камаяди деб тахмин қилиш мумкин. Тадқиқот натижалари жадвалда келтирилган. Бундан келиб чиқиб диаметри 600 мм бўлган кристаллизаторда тадқиқот амалга оширилди.


№ Т/р	Кристаллизатор диаметри, мм	Электрод таркибидаги Al миқдори, %	Олинган қотишма таркибидаги кислород миқдори
1	2	3	4
1	400	4	0,034-0,036
		8	0,01-0,12
		12	0,006-0,0062
		16	0,002-0,0022
2	300	4	0,034-0,036
		8	0,02-0,022
		12	0,012-0,014
		16	0,01-0,012
3	200	4	0,034-0,036
		8	0,024-0,026
		12	0,018-0,02
		16	0,012-0,014
4	100	4	0,034-0,036
		8	0,026-0,028
		12	0,022-0,024
		16	0,018-0,02

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, 1. Кристаллизаторнинг диаметридан қатъий назар, қўшилаётган алюминий миқдори 2 % дан кам бўлганида олинаётган қуйма таркибидаги газ миқдори деярли бир хил (0,034-0,04 %) бўлди. 2. Графитли электрод таркибидаги алюминий миқдори 15-16% ни ташкил қилганида қуйманинг диаметри 400 мм ва ундан зиёд бўлганида қуйма таркибидаги газ (кислород) миқдори кескин камайиши кузатилди ва 0,002-0,0022 % ни ташкил қилди. Бу кристаллизаторда металл бир меъёрда суюқлангани мавжуд газларнинг қуйма хажми бўйича тенг тақсимланганини кўрсатади.


Электршлак печидан олинган 100, 200, 300, 400 ва 600 мм диаметрдаги пўлат 45 маркали қотишмадан тайёрланган валларни сув ва мой муҳитида турли вақт мобайнида тоблаш тадқиқоти ўтказилди. Бунда сув, мой ҳамда сув

билан мой муҳитларидан фойдаланилди. Бунда сувда тоблашда 10-12 секунддан, мойда тоблашда 20-22 секунддан, сув ва мойда тоблашда эса 16-18 секунддан бошлаб қаттиқликнинг кескин ортиши кузатилди. Шу билан бир қаторда вал тишларини очиш жараёнида сувда тобланган юзаларда микроёриқлар кузатилиши аниқланди. Вал-шестернянинг диаметри 600 мм ва ундан катта бўлганда сув ва мой муҳитида 16-18 секунд давомида тоблаш натижасида юза қаттиқлиги 10-14 % га ортиши билан бир қаторда микроёриқлар ҳосил бўлиши кузатилмади.

Электршлак печидан олинган 100, 200, 300, 400 ва 600 мм диаметрдаги валларни термик ишлов печида турли режимларда қиздириб, сувда тоблаш асосида қаттиқлигини ўзгариш графиги чиқарилди. Намунага юқори тезликда термик ишлов берилганида қаттиқлик юқори бўлиши кузатилди. Лекин намуна диаметрининг ўлчамлари катта бўлган сари юза қаттиқлигининг камайиши кузатилди. Кейинги расмда намуна диаметри билан юза қаттиқлиги орасидаги боғлиқлик қиздириш ва совутиш тезлигининг ўзгаришига қараб ўзгариши келтирилган.



**Расм 1. Вал юза қаттиқлигининг унинг диаметрига боғлиқлик**



**Расм 2. 1-сувда тоблаш (20 °С); 2-мойда тоблаш (24 °С)**

Электротошқолни қайта эритиш (ЭШП) печида эритилган қуйманинг бош қисми, ўрта қисми ва охириги қисмларидан 3 донна намуна сифатида кесиб олиниб, механик хоссаларини ўрганиш учун узунлиги 30 см, эни 2 см, қалинлиги 0,8 см ўлчамда намуна кесиб олиниб (ЦРМЗ)нинг механика цехидаги фрезали вертикал (6Р-83 рақамли) станогида лаборатория машинасига мослаштириб, маҳкамлаш учун йўниб тайёрланди (3-расм).



**3-расм. Қотишмадан таҳлил учун олинган намуналар.**

Кесиб ва йўниб тайёрланган тайёр маҳсулотларни Марказий таъмирлаш механика заводи (ЦРМЗ)даги (УРЗА) лабораториясидаги “Р-50 М” рақамли автотехника машинасида механик хоссалари аниқланди. Таҳлил натижалари жадвалда келтирилган.


**Жадвал**

**Ўлчаш натижаларининг тавсифи.**

<b>Ўлчаш характеристикаси ва натижалари</b>	
Мутаносиблик чегарасидаги юк, кгс	4662
Эгилувчанлик чегарасидаги тортиш кучи (0,05%), кгс	4568
Юқори рентабеллик кучи, кгс	1211
Пастки рентабеллик кучи, кгс	1203
Максимал юк, кгс	4662
Пропорционаллик чегараси $d_{mm}$ , кгс/мм <sup>2</sup>	28.74
Юмшоклик чегараси (0.05%), кгс/мм <sup>2</sup>	28.15
Юқори рентабеллик кучи, кгс/мм <sup>2</sup>	7.46
Пастки рентабеллик кучи, кгс/мм <sup>2</sup>	7,41
Вақтинча қаршилиги, кгс/мм <sup>2</sup>	28.74
Нисбий бир текис бўшлиғи, %	0.2

Олинган намунанинг структураси 4-расмда келтирилган. Бунда қотишманинг таркибидаги нометалл қўшимчаларнинг камайишига эришилганининг оқибатида юза қаттиқлиги 192-194 НВ гача ортган.





**Расм 4. Электршлак усулида олинган пўлат 45 маркали қотишманинг структураси.**

Диссертациянинг **“Ишлаб чиқилган технологияни ишлаб чиқариш корхонасига жорий қилиш ва унинг математик моделини тузиш”** деб номланган тўртинчи бобида электршлак усулида пўлат 45 дан олинган деталларнинг ейилишбардошлигини ошириш технологиясининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ва ишланманинг математик моделини тузиш келтирилган. Марказий таъмирлаш механика заводининг ЭШП цехида пўлат-45 маркали икки дона, диаметри 600 мм, узунлиги 350 мм, оғирлиги эса 690 кг бўлган қўймаларни қуйиб олиб, механика цехидаги турли хил станокларда вал-шестерня тишларини очиб тайёрлаш, ясашиш ҳамда термик ишлов бериш натижасида уларнинг қаттиқлигини ва механик хоссаларини лаборатория шароитида ўрганиш мақсадида қўймани қуйилди. Механика цехида токарлик станогидида заготовкаларга ишлов берилганида, диаметри 590, узунлиги 230 мм, оғирлиги 195 кг бўлган ярим маҳсулот ҳолатига келди, шундан кейин маҳсулотимизнинг ички қисмидан тиш очиш станогидида шпонкали тирқиш (шпоничный паз) очилди, бу ариқчасимон тирқишнинг кенлиги 45 мм, чуқурлиги 12,5 мм, лекин заготовканинг ички қисмидан 2 мм ўлчамда йўнмасдан қолдирилди. Марказий таъмирлаш механика заводи (ЦРМЗ)нинг ЭШП цехида пўлат-45 маркали қотишмани қаттиқлигини ўлчаш учун керакли бўлган 40x40 мм размерда кесиб олинди ва ЦРМ заводининг лаборатория шароитида қаттиқлигини текшириб кўрилганида НВ=192-194 бўлди.

Юқоридаги жадвалда келтирилган сонли кўрсаткичларни математик моделини тузиш мақсадида, математик моделлаштириш асосида жадвал кўринишидаги маълумотлардан график ёки функция кўринишидаги кўпхадларни олиш мумкин. Бунинг учун кристаллизаторнинг маълум диаметрига мос келувчи электрод таркибидаги алюминий миқдори ўзгаришига мос ҳолатда олинган қотишма таркибидаги кислород улушини аниқлаб берадиган функцияни ҳосил қилишни кўриб чиқамиз. Умумий математик назарияларга кўра, бу масала Лагранж интерполяцион кўпхадини ҳосил қилиш



қотишма таркибидаги кислород улушини аниқлаб берадиган функция қуйидаги кўринишда бўлади:

$$P(x) = 0,073824 - 0,011673x + 0,000506x^2 - 0,000004x^3. \quad (4)$$

(4) ифода таркибидаги  $x$  ўзгарувчи электрод таркибидаги Al миқдорини ифодаласа,  $P(x)$  электрод таркибидаги Al миқдорига мос олинган қотишма таркибидаги кислород миқдорини характерлайди.

Ушбу (4) функцияни графигини ҳосил қилиб, қотишма таркибидаги минимал кислород миқдорини олиш учун талаб этиладиган электрод таркибидаги Al миқдорини аниқлаймиз.

Таъкидлаш лозимки, идеал шароитда (4) функционал боғланиш ёрдамида кристаллизаторнинг маълум диаметрига (400 мм) мос келувчи электрод таркибидаги алюминий миқдорининг ихтиёрий қийматларда ўзгаришига мос ҳолда олинган қотишма таркибидаги кислород миқдорини тўлиқ аниқлаб беради.

2) Кристаллизатор диаметри 300 мм бўлган ҳол учун:

$$\begin{aligned} n &= 3, \lambda_0 = 4, \lambda_1 = 8, \lambda_2 = 12, \lambda_3 = 16; \\ \mu_0 &= 0,035, \mu_1 = 0,021, \mu_2 = 0,013, \mu_3 = 0,011. \end{aligned}$$

Бу қийматларга мос (1) алгебраик тенгламалар системаси қуйидагича бўлади:

$$\begin{cases} a_0 + 4a_1 + 16a_2 + 64a_3 = 0,035 \\ a_0 + 8a_1 + 64a_2 + 512a_3 = 0,021 \\ a_0 + 12a_1 + 144a_2 + 1728a_3 = 0,013 \\ a_0 + 16a_1 + 256a_2 + 4096a_3 = 0,011 \end{cases} \quad (5)$$

(5) тенгламалар системасини ечиб,  $a_0, a_1, a_2, a_3$  коэффициентларни аниқласак,  $a_0 = 0,055, a_1 = -0,00575, a_2 = 0,000188, a_3 = 0,000002$  экани маълум бўлади. Бунга кўра, кристаллизаторнинг маълум диаметрига мос келувчи электрод таркибидаги алюминий миқдори ўзгаришига мос ҳолатда олинган қотишма таркибидаги кислород улушини аниқлаб берадиган функция қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\mu(\lambda) = 0,055 - 0,00575\lambda + 0,000188\lambda^2 - 0,000003\lambda^3. \quad (6)$$

(6) ифода таркибидаги  $\lambda$  ўзгарувчи электрод таркибидаги Al миқдорини ифодаласа,  $\mu(\lambda)$  электрод таркибидаги Al миқдорига мос олинган қотишма таркибидаги кислород миқдорини характерлайди.

3) Кристаллизатор диаметри 200 мм бўлган ҳол учун:

$$\begin{aligned} n &= 4, \lambda_0 = 4, \lambda_1 = 8, \lambda_2 = 12, \lambda_3 = 16; \\ \mu_0 &= 0,035, \mu_1 = 0,025, \mu_2 = 0,019, \mu_3 = 0,013. \end{aligned}$$

Бу қийматларга мос (1) алгебраик тенгламалар системаси қуйидагича бўлади:

$$\begin{cases} a_0 + 4a_1 + 16a_2 + 64a_3 = 0,035 \\ a_0 + 8a_1 + 64a_2 + 512a_3 = 0,025 \\ a_0 + 12a_1 + 144a_2 + 1728a_3 = 0,019 \\ a_0 + 16a_1 + 256a_2 + 4096a_3 = 0,013 \end{cases} \quad (7)$$

(7) тенгламалар системасини ечиб,  $a_0, a_1, a_2, a_3$  коэффициентларни аниқласак,  $a_0 = 0,053, a_1 = -0,005833, a_2 = 0,000375, a_3 = -0,00001$  экани маълум бўлади. Бунга кўра, кристаллизаторнинг маълум диаметрига мос келувчи электрод таркибидаги алюминий миқдори ўзгаришига мос ҳолатда олинган қотишма таркибидаги кислород улушини аниқлаб берадиган функция қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\mu(\lambda) = 0,053 - 0,005833\lambda + 0,000375\lambda^2 - 0,00001\lambda^3. \quad (8)$$

4) Кристаллизатор диаметри 100 мм бўлган ҳол учун:

$$\begin{aligned} n = 4, \lambda_0 = 4, \lambda_1 = 8, \lambda_2 = 12, \lambda_3 = 16; \\ \mu_0 = 0,035, \mu_1 = 0,027, \mu_2 = 0,023, \mu_3 = 0,019. \end{aligned}$$

Бу қийматларга мос (1) алгебраик тенгламалар системаси қуйидагича бўлади:

$$\begin{cases} a_0 + 4a_1 + 16a_2 + 64a_3 = 0,035 \\ a_0 + 8a_1 + 64a_2 + 512a_3 = 0,027 \\ a_0 + 12a_1 + 144a_2 + 1728a_3 = 0,023 \\ a_0 + 16a_1 + 256a_2 + 4096a_3 = 0,019 \end{cases} \quad (9)$$

(9) тенгламалар системасини ечиб,  $a_0, a_1, a_2, a_3$  коэффициентларни аниқласак,  $a_0 = 0,053, a_1 = -0,005833, a_2 = 0,000375, a_3 = -0,00001$  экани маълум бўлади. Бунга кўра, кристаллизаторнинг маълум диаметрига мос келувчи электрод таркибидаги алюминий миқдори ўзгаришига мос ҳолатда олинган қотишма таркибидаги кислород улушини аниқлаб берадиган функция қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\mu(\lambda) = 0,053 - 0,005833\lambda + 0,000375\lambda^2 - 0,00001\lambda^3. \quad (10)$$

Ушбу (10) функцияни графигини ҳосил қилиб, қотишма таркибидаги минимал кислород миқдорини олиш учун талаб этиладиган электрод таркибидаги Al миқдорини аниқлаймиз.

Ихтиёрий диаметрли кристаллизаторга мос келувчи электрод таркибидаги алюминий миқдорининг ихтиёрий қийматларда ўзгаришига мос ҳолда олинган қотишма таркибидаги кислород миқдорини аниқлайдиган функцияни ҳосил қилиш мумкин.

(4), (6), (8), (10) ифодаларнинг яна бир афзаллиги қотишма таркибидаги талаб этиладиган кислород улушига эга бўлишимиз учун керак бўлган электрод таркибидаги алюминий миқдорини ҳам аниқлаш мумкин.

Қуйида келадиган жадвалларда ҳам Лагранж интерполяцион кўпҳадини ҳосил қилиш билан функционал боғланиш функцияларини ҳосил қилиш мумкин.

Олинган математик ифодалардан шуни айтиш мумкинки, назарий натижалар амалдаги тажрибаларни энгиллаштириш имконини беради. Аниқ қилиб айтганда, дастлабки тажриба натижалари асосида кейинги натижаларни тажриба ўтказмасдан аниқлаш имконини беради.

Бу масала ҳам юқоридаги каби, Лагранж интерполяцион кўпҳадини тузиш билан ҳал этилади:

$$\begin{bmatrix} 1 & d_0 & d_0^2 & \dots & d_0^n \\ 1 & d_1 & d_1^2 & \dots & d_1^n \\ \vdots & \vdots & \vdots & \ddots & \vdots \\ 1 & d_n & d_n^2 & \dots & d_n^n \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} a_0 \\ a_1 \\ \vdots \\ a_n \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} HB_0 \\ HB_1 \\ \vdots \\ HB_n \end{bmatrix}. \quad (11)$$

Бу вектор тенгламада

$n = 5$ ,  $d_0 = 1$  м,  $d_1 = 1,85$  м,  $d_2 = 3,1$  м,  $d_3 = 4,4$  м,  $d_4 = 5,5$  м,  $d_5 = 6$  м,  
 $HB_0 = 200$ ,  $HB_1 = 190$ ,  $HB_2 = 170$ ,  $HB_3 = 150$ ,  $HB_4 = 140$ ,  $HB_5 = 130$  [МПа] бўлиб,  
 тенгламалар системаси қуйидаги кўринишни эгаллайди:

$$\begin{bmatrix} 1 & 1 & 1 & \dots & 1 \\ 1 & 1.85 & 1.85^2 & \dots & 1.85^5 \\ 1 & 3.1 & 3.1^2 & \dots & 3.1^5 \\ 1 & 4.4 & 4.4^2 & \dots & 4.4^5 \\ 1 & 5.5 & 5.5^2 & \dots & 5.5^5 \\ 1 & 6 & 6^2 & \dots & 6^5 \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} a_0 \\ a_1 \\ a_2 \\ a_3 \\ a_4 \\ a_5 \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} 200 \\ 190 \\ 170 \\ 150 \\ 140 \\ 130 \end{bmatrix} \quad (12)$$

Ушбу тенгламаларни ситемасини ечсак,  
 $a_0 = 230,230433$ ,  $a_1 = -58,021149$ ,  $a_2 = 41,929999$ ,  $a_3 = -16,925951$ ,  $a_4 = 2,974503$ ,  $a_5 = -0,187826$  экани аниқланади. Бунга кўра, вал диаметрининг ортиши билан электршлак печидан олинган вал юза қаттиқлигининг ўзгариб боришини аниқлаб берадиган функция қуйидаги кўринишда бўлади:

$$HB(d) = 230,230433 - 58,02115d + 41,92999d^2 - 16,92595d^3 + 2,974503d^4 - 0,187826d^5. \quad (13)$$

(13) функция ёрдамида валнинг ихтиёрий диаметрига мос электршлак печидан олинган вал юза қаттиқлигини юқори аниқликда ҳисоблаш мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

1. Сув муҳитида вал-шестерняга термик ишлов бериш режимлари вал материалнинг теплофизик хоссалари асосида ишлаб чиқилган. Бу вал-шестернянинг ейилишбардошлигини 8-10%га ошириш учун хизмат қилади.
2. Вал-шестерня тишларини тайёрлаш технологияси кесиш жараёнида ҳосил бўладиган зўриқиш кучларини баргараф этиш назарияси асосида ишлаб чиқилган. Бу маҳсулотнинг эксплуатацион хоссаларини 18-20%га оширишга имкон беради.
3. Сув-мой муҳитида вал-шестерняни навбатма-навбат тоблаш технологияси металлларга термик ишлов бериш режимлари асосида ишлаб чиқилган. Бу вал-шестернянинг қаттиқлигини 1,3-1,4 мартага ошириш учун хизмат қилади.
4. Электршлак усулида 45 маркали пўлатдан қуйма усулида олинган вал-шестерня тишларининг ишлаш шароитидаги хизмат муддатини ошириш технологияси абразив ейилиш муҳитининг таъсир қилиш ҳароратининг таҳлили асосида ишлаб чиқилган. Бу вал-шестерня тишларининг эксплуатацион хоссаларини ошириш учун хизмат қилади.
5. Маҳсулотнинг ишлаш ресурсини ошириш учун термик ишлов бериш усулига боғлиқлик графиги материалнинг иссиқлик физикаси хоссаларига асосан ишлаб чиқилган. Бу деталларнинг ейилиш асосида ишдан чиқини башоратлаш имконини беради.
6. Электршлак усулида 45 маркали пўлатдан қуйма усулида олинган вал-шестерня тишларига термик ишлов бериш асосида қаттиқлик ҳолати графиги ишлаб чиқилган. Бу вал-шестерня тишларига термик ишлов бериш режимларини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.
7. 45 маркали пўлатдан тайёрланган вал-шестерняларни ишлаб чиқаришда қуйи ҳароратда бўшатиш усулини қўллаш асосида энергия тежамкорлигини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилган. Бу электр шлак усулида қуйма маҳсулот ишлаб чиқаришда энергия тежамкор режимини танлаш имконини беради.
8. Вал-шестерняларни сувли муҳитда термик (иссиқлик билан) ишлов бериш технологияси ишлаб чиқариш шароитига жорий этилди. Ишлаб чиқилган технологияни қўллаш вал-шестернянинг эксплуатацион хоссаларини 8-10% га ошириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ЧОРШАНБИЕВ ШУХРАТ МАХМАТМУРОДОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ ЭКСПЛУАТАЦИОННЫХ  
СВОЙСТВ ДЕТАЛЕЙ ИЗ СТАЛЬ-45, ПОЛУЧАЕМЫХ  
ЭЛЕКТРОШЛАКОВЫМ ПЕРЕПЛАВОМ**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.  
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия  
чёрных, цветных и редких металлов (Литейное производство и обработка  
металлов)**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

## Ташкент- 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/Т.594.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете. Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Тураходжаев Нодир Джахонгирович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич  
доктор технических наук, профессор

Атажанов Гапур Латибович  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «» 2020 года в часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел./ факс:(99871)227-10-32, e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № ). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.:(99871)227-10-32.)

Автореферат диссертации разослан « » 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № от « » 2020 года).

**К.А.Каримов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**Ф.Р.Норхуджаев**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**Ф.С.Абдуллаев**



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD))**

### **Актуальность и востребованность темы диссертации.**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире на сегодняшний день разработка технологий по получению качественных отливок из черных и цветных сплавов, разработка технологий по созданию качественных и прочных изделий отвечающим требованиям мировых требований, конкурентоспособных и импортозамещающих приобретает особую важность. В связи с этим перед специалистами и учеными отрасли ставится важная задача по производству высококачественных, износостойких, прочных изделий для машиностроительных производств. В этом направлении в научно-исследовательских центрах многих развитых странах, включая США, Англию, Германию, Японию, Китай и Россию уделяется особое внимание повышению эксплуатационных свойств литых изделий из сталей различных марок.

Во всем мире проводятся целевые научно-исследовательские работы по усовершенствованию ресурсосберегающих технологий плавки сталей, разработке технологии плавки марки сталь 45 в электрических печах. В странах СНГ, в том числе России и Украине разрабатывают новые технологии плавки сталей для снижения ресурсо-и энергозатрат. В этом направлении приобретает особое значение проведение научных исследований по разработке технологий обеспечивающих износостойкость деталей изготовленных из марок сталь 45 для машиностроительной отрасли.

В Республике Узбекистан ведутся исследовательские работы по повышению эксплуатационных свойств на основе получения качественной структуры в процессе плавки сталей в электрических печах. Кроме этого проводятся объемные исследования как повышение эффективности ведения плавки и усовершенствованию технологий для повышения эффективности плавки. Ввиду этого, обеспечение приоритета по усовершенствованию технологий по обеспечению ресурсо-и энергосбережений при плаве сталей приобретает важную задачу.

